


# ЖАНГЛАРДА ҚЎЛГА КИРИТДИК

## Совет Иттифоқи Қаҳрамони, уруш ветеранлари Совет комитети Тошкент секцияси раиси Боис ЭРГАШЕВ билан суҳбат



Боис Ҳамидович Эргашев ўн икки ёшидан меҳнат фаолиятини бошлади. 1933 йили ФЗУга кириб ўқиди. Уни тугатгач Самарқанддаги тикувчилик фабрикасида моторист бўлиб ишлади. 1942 йил 13 январда Совет Армияси сафига чақирилди. Днепрни кечиб ўтишда, Хортица оролини озод этиш учун жангларда кўрсатган жасоратлари учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони юксак унвони берилди. Учинчи даражали Шуҳрат ордени, Қизил Юлдуз ордени, қатор медаллар эгаси Боис Эргашев Улуғ Ватан урушидан қайтгач ўқиб билимини оширди, масъул лавозимларда ишлади.

Ҳозир у уруш ветеранлари Совет комитети Тошкент секцияси раиси. Кўпгина оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишларга бошчилик қилмоқда. Хизмат тақозоси билан ўзбекистонлик Улуғ Ватан уруши қатнашчиларини, уларнинг тақдирини, урушда ҳалок бўлган қаҳрамонларнинг оилавий аҳволларини, шунингдек, умуман ўзбекистонликларнинг Буюк Ғалабага қўшган ҳиссаларини яхши билади.

— Улуғ Ватан урушининг дастлабки ойларида,— деб ҳикоя қилади у,— меҳнаткашлардан фронтга юборишлари ҳақида 32 минг, шу жумладан 30 минг коммунист ва комсомоллардан ариза тушди. Фақатгина 1941 йилнинг ноябридан 1942 йилнинг мартигача Ўзбекистонда дивизиялар тузилиб, бу қисмларнинг жангчилари жанггоҳларда қаҳрамонлик, мардлик намуналарини кўрсатдилар. 1941 йилнинг ноябридаёқ Тошкентдаги 137 корхонанинг 63 тасида фронт эҳтиёжи учун ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди. Улуғ Ватан уруши йилларида республикамизнинг 770 минг нафардан кўп асил ўғил-қизлари, шу жумладан 200 минг комсомол аъзоси фашистларга қарши жон олиб, жон бериб курашди. 280 марду майдон Совет Иттифоқи Қаҳрамони юксак унвонига сазовор бўлди. 32 жангчи Шуҳрат орденининг тўла кавалерларидир. 120 минг ҳамюртимиз Совет ҳукумати орден ва медаллари билан тақдирланган.

Совет солдати душманга қарши 1418 кеча-кундуз жанг олиб борди. Миллионлаб ватанпарварлар озодлик йўлида қурбон бўлдилар. Агар биз ҳалок бўлган ҳар бир совет кишиси учун бир минутдан сукут сақласак деярли 40 йил вақт керак бўларди. Мана, қирқ йилдирки, совет юрти, Европа осмонида тинчлик ҳукмрон. Бу тинчлик, бу фаровонлик, гўзал ва осуда турмуш озодлик учун курашган жангчи туфайли. Унинг хотирасини биз қалбимизда доимо эъзозлаб сақлаймиз.

**— Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги муносабати билан олиб борилаётган тараддуд, уруш ветеранларининг ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги ишлари билан таништирсангиз?**

— Ҳозир Тошкент секцияси ҳузурида қўшинлар, бирлашмалар, қисмлар, полклар ветеранларининг 16 совет ва группалари ташкил этилган. Секция ҳузурида 7 та комиссия ҳам тузилган. Ҳарбий-ватанпарварлик мавзуси идеологик, сиёсий-тарбиявий ишимизнинг ўзагини ташкил этади. У меҳнаткашларни, ёшларни Ватанга муҳаббат, Улуғ Октябрь ғояларини ҳимоя қилиш руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Бу борада партия ва совет органлари, комсомол, республика «Билим» жамияти билан ҳамкорликда катта пропагандистик ишларни олиб боряпмиз. Пропаганда комиссияси лекция, доклад, суҳбатлар тематикаларини, шунингдек, лекторлар учун тезисларни тайёрлаб беради.

Ёшлар билан ишлашда айниқса «Ўзбекистон комсомоли» агитпоезди муҳим роль ўйнамоқда. Агитпоезд составида партия, комсомол органлари вакиллари, «Билим» жамияти активлари, маданият ходимлари билан бирга уруш ва меҳнат ветеранлари ҳам актив қатнашмоқдалар. Республика ДОСААФи билан ҳамкорликда бу шонли санага бағишлаб автопробеглар ташкил этилмоқда. Ветеранлар агитсамолётларда Туркистон ҳарбий округи қисмларининг меҳмони бўлмоқдалар.

Бундай тадбирларни амалга оширишда уруш ветеранларидан генераллар С. Охунжонов, В. Ульянов, В. Сохацкий, И. Дудура, Совет Иттифоқи Қаҳрамонларидан С. Абдуллаев, Б. Тихомолов, А. Эшонқулов, офицерлардан Т. Жўраев, А. Хабибуллин, А. Мамажоновлар катта ташкилотчилик ва тарғиботчилик ишларини амалга оширмоқдалар.

**— Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига қандай ғамхўрликлар кўрсатилаяпти?**

— Партия ва ҳукуматимиз оғир йилларда жаҳон тақдирига нажот излаган, қон тўкиб, жондан кечиб озодлик урушини ғалаба билан якунлаган, марди-майдон Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига жуда катта иззат-икром кўрсатмоқда. Улар учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинаяпти. Қатор имтиёзлар яратилаяпти.

Кейинги вақтда Тошкентдаги 2500 уруш ветеранининг уй-жойи яхшилаб берилди. 2 минг нафардан кўп уруш қатнашчисининг уйига телефон ўрнатилди. Ўтган йили Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида Улуғ Ватан уруши инвалидлари, қатнашчилари ва урушда ҳалок бўлган жангчиларнинг оилаларига ғамхўрлик масаласи муҳокама этилди.

Тошкент шаҳрида 35 минг уруш ветерани бўлиб, деярли 90 процентининг уйларида бўлдик. Уй-жойларини кўрдик, фикр ва мулоҳазаларини эшитдик. Қўлдан келган ёрдамни аямадик.

Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига медицина хизматини яхшилаш мақсадида ҳам қатор ғамхўрликлар қилиняпти. Шаҳардаги кўпгина шифохоналарда уруш ветеранлари учун алоҳида палаталар мавжуд. Бундан ташқари, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари учун 200 кишилик госпиталь ташкил этилган. Ҳозир бу шифохонанинг 250 ўринли иккинчи навбатини ишга туширишга тайёргарлик кўрилмоқда. Собиқ жангчиларни дори-дармонлар билан етарли таъминлаш мақсадида махсус фондлар уюштирилган. Улуғ Ватан уруши инвалидлари маълум дорихоналарга бириктиб қўйилиб, дори-дармонларни уйларига элтиб бериш ташкил қилинмоқда.

Уруш қатнашчиларига шу йилнинг май ойидан яна қатор имтиёзлар яратилади. Жумладан, биринчи группа уруш инвалидлари пенсиясига 30 сўм, иккинчи группа учун 20 сўм қўшилади, уруш қатнашчиларига дори-дармонлар нархи 50 процент арзонлаштирилган нархда сотилади, яна бир қатор имтиёзлар кўзда тутилган.

**Суҳбатни Б. ПЎЛАТОВ ёзиб олди.**



**◆ ПОЙТАХТДАГИ А. Набиев номидаги пионерлар уйи ўқувчиларнинг севимли масканига айланган. Бу ерда 40 дан ортиқ тўгаракда пионерлар бичиш-тикиш, тўқиш, дурадгорлик каби бошқа машғулотларда маҳоратларини оширмоқдалар.**

**СУРАТДА: бадиий кулолчилик тўгараги раҳбари Аваз Исахонов болалар билан машғулот пайтида.**

**А. Зуфаров, Т. Каримов** фотолари.

# ЯХШИ ИШЛАБ, ЯХШИ ЯШАЯПМИЗ

Бригадир Дмитрий Юрко ва унинг оиласи учун Ғалаба районидаги «Огонёк» совхоз-заводи дирекцияси ажратиб берган янги квартира жуда маъқул тушди. Квартира икки қаватли бўлиб, хоналари қулай жойлаштирилганлиги билан ажралиб туради. Пастки қаватда кенг ошхона, ваннахона, юқорида эса ётоқхона, меҳмонхона жойлашган.

Оила аъзолари ўз янги квартираларида барча коммунал қулайликлар — канализация, водопровод, ҳатто қаттиқ совуқ кунларда ҳам яхши иситадиган алоҳида қозонхона борлигидан мамнундирлар.

Д. Юрко оиласи кўчиб ўтган коттеж хўжалик марказий қўрғонида қад кўтарган йигирмата янги уйнинг биридир. Бу уйлар «Юбилейная» деб номланган бутун бир кўчани ташкил этди.

Кейинги йилларда кўпгина янги уйлар қад кўтарган совхоз-завод марказий қўрғони ҳозир янада кўркамлашган. Бу ерга хўжалик бўлимлари территориясида жойлашган олис посёлкаларнинг аҳолиси бирин-кетин кўчиб келмоқда.

**(ЎзТАГ мухбири).**

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИДА

## АГИТБРИГАДА ЧОРВАДОРЛАР ҲУЗУРИДА

Район маиший хизмат кўрсатиш комбинати, соғлиқни сақлаш бўлими ва бадиий ҳаваскорлик коллективларидан ташкил топган агитбригада чорвадорларга намунали хизмат кўрсатмоқда. Шу кунгача агитбригада «Северний маяк», «Коммунизм», Ким Пен Хва номли колхозларда бўлди.

Агитбригада составида район шифохонасининг малакали врачлари ва район маиший хизмат кўрсатиш уйининг илғор ходимларидан Турсунбой Каримов, Мадина Ҳошимова, Турсуной Ғуломова ва бошқалар бор. Миракмал Мирсолиҳов бошлиқ маданият уйи бадиий ҳаваскорлик коллективи иштирокидаги куй ва қўшиқлар барчага манзур бўлаётир.

## САНЪАТ БАЙРАМИ ЯКУНЛАНДИ

Яқинда район мактаблари бадиий ҳаваскорлик коллективлари иштирокида санъат байрами бўлиб ўтди. Крупская номли 3-ўрта мактаб бадиий ҳаваскорлари ижро этган «Ўзбекистон — она диёрим» қўшиғи ва уйғурча рақсни жюри юқори баҳолади. Улар биринчи ўринни эгаллашди. Островский номли 23-ўрта мактаб, Чкалов номли 16-ўрта мактаб ўқувчилари ҳам мукофотли ўринларни олишди.

**Ҳ. НОРҚУЛОВ.**

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ГАЗЕТХОНЛАР МУҲОКАМАСИДА

# «ПИЁДАЛАРНИНГ АЙБИ БИЛАН...»

«ТОШКЕНТ ҳақиқати» газетасининг шу йил 16 январь сонида юқоридаги сарлавҳа остида берилган мақолада катта шаҳримиздаги муҳим муаммолардан бири — кўча ҳаракати ҳақида фикр юритилган.

Мақолада кўрсатилганидек, йўл ҳаракати қоидасини бузган ҳайдовчига нисбатан албатта чора кўрилади. Бироқ, қоидабузар пиёдаларга-чи? Йўқ. Қоидабузар пиёдаларга нисбатан жиддийроқ, қаттиқроқ жазо чоралари қўллаш зарурати бор, деб ҳисоблаймиз.

Яқинда хизмат юзасидан Рига шаҳрида бўлдим. Бу ерда кўча ва йўллардаги тартиб-интизомга қойил қолдим, ҳавасим келди. Шаҳарнинг ҳатто марказий кўча ва чорраҳаларида ҳам автоинспекторлар жуда кам учрайди. Борлари ҳам кўпроқ пиёдалар ҳаракатини назорат қилади. Яна бир нарса менинг диққатимни ўзига тортди. Якшанба куни «Болалар дунёси» универмагига кирган эдим. Магазин радиоузелидан ўтган ҳафта ичида шаҳарда болаларнинг айби билан содир бўлган иккита йўл-транспорт ҳодисаси бутун тафсилоти билан эълон қилинмоқда эди. Диктор ота-оналар ва катталарни болаларга йўл ҳаракати қоидаларини пухтароқ ўргатиш ва қоидабузарларга нисбатан лоқайд бўлмасликка чақирарди. Ўрганса арзийдиган ажойиб тадбир, тўғри эмасми?

Йўл ҳаракати қоидалари Иттифоқимизнинг барча шаҳар ва районлари учун бирдек тааллуқли. Бироқ, нега шаҳардаги манзара, хусусан, автоинспекторлар ва пиёдаларнинг ҳатти-ҳаракатлари турлича?

Аввало мақолада «...автоинспекторларнинг кўпчилиги қоидабузар пиёдаларни кўриб туриб индамайди ёки тескари қарайди» дейилганидек, кўча ҳаракатини назорат қилувчи мутасадди ўртоқларнинг қоидабузар пиёдаларга нисбатан бефарқ бўлмасликлари лозим эмасми?

Кези келганда шуни айтиш кераки, болаларни кўча ҳаракати қоидаларига боғча ёшидан бошлаб ўргатилса, мактабларда эса бу нарсага янада кўпроқ эътибор берилса, телевизор орқали болалар учун бериладиган «Светофор» кўрсатувлари билан бир қаторда катталар учун ҳам мунтазам эшиттиришлар ташкил қилиб турилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Тошкентни коммунистик меҳнат ва юксак маданият, намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш ишига ҳамма ҳисса қўшиши керак. Мақолада кўтарилган масала эса бу йўлдаги муҳим муаммолардан биридир ва уни ҳал этишга кўмаклашиш ҳар биримизнинг гражданлик бурчимиздир.

**Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ, «Главташкентстрой» инженери.**

# «АҲИЛЛИККА НЕ ЕТСИН»

ОКТЯБРЬ район халқ судьяси Р. Сиддиқхўжаеванинг «Аҳилликка не етсин» (Тошкент ҳақиқати», 8 январь) сарлавҳали мақоласидаги мулоҳазаларга тўла қўшилиш мумкин. Дарҳақиқат, келиннинг қайнонага қўл кўтаришгача бориб етиши ғоят хунук воқеадир.

Мақола автори кўрсатиб ўтганидек, қарс икки қўлдан. Оилада муросанинг роли катта. Бир томон ён босса, «андишанинг оти қўрқоқ» деб ҳисобланмасагина тотув яшаш мумкин. Автор тилга олган Замира опа 50 шогирдни тарбиялаган мураббий экан, лекин у биргина келинини тарбиялай олмабди. Менинг фикримча, ҳамма қайнона ҳам мураббийлик қилавермайди.

Чунки баъзи қайноналар оилада, хусусан, келинга «ён босишни» эп кўрмайдилар, оилада ўзларини «ҳукмрон» деб ҳисоблайдилар, ҳамма нарса улар айтганича бўлишини талаб қиладилар, келинга қилаётган муомала тўғрими ёки нотўғрими бу билан ишлари бўлмайди.

Муяссархоннинг онасини «Қизим хизматкор бўлиб тушган эмас» деган сўзидан маълумки, у қизини ёшлигиданоқ ортиқча эркалаб, ўжар қилиб тарбиялаган. Она-да, ўзига билинмаган. Шунинг учун ҳам Муяссар келин бўлиб тушганидан бошлаб оилада қувноқ ҳаёт, аҳил яшашни барқарор этиш ўрнига қайнонани «тафтиш» қила бошлаган. Майда-чуйда гапларни онасига етказиб, «муҳокама» қилишган. Оқибатда зиддият кучайган ва келин қайнонага қўл кўтаришгача бориб етган.

Айрим оналаримиз ўзлари келинлик даврларида қайнона билан аҳил туриш, уларни эъзозлаш, улардан ҳаёт тарзини ўрганишни ўзларига эп билмай, тезроқ ажралиб чиқиб кетадилар. Бундай аёллар ўзлари қайнона бўлганларидан сўнг келин-куёвлар тарбиясини қайси тажрибаларига асосланиб олиб борадилар, ахир? Бу нарса ҳам худди корхонадаги мураббий-шогирд муносабатига ўхшаб кетади. Мураббийнинг ўзи шогирдлик сабоғини бошидан кечирган бўлсагина ўз тажрибаси негизида ҳақиқий қобилиятга эга бўлади.

**Тоҳир САЛИМОВ, Октябрь район, «Кўкча» маҳалласи.**



● ЧИМЁН дам олувчиларнинг, қишки спорт мухлисларининг севимли масканига айланиб қолган. Бу ер айниқса шанба ва якшанба кунлари гавжумлашиб кетади. Чимёнда республика миқёсидагина эмас, балки Бутуниттифоқ ва халқаро мусобақалар ҳам тез-тез ўтказиб турилипти. Суратларда: Чимён бағрида.

**В. Портнов** фотолари.

Редактор **Н. НАСИМОВ.**



# РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## «ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

**19-26 февраль КУНЛАРИ**

**БУТУНИТТИФОҚ КОНКУРСЛАРИ ЛАУРЕАТИ**
ВА ХАЛҚ МУЗИКАЛАРИ
ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИ
ЛАУРЕАТИ «ҚАРАГОД» ФОЛЬКЛОР
АНСАМБЛИ.
**РСФСРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ**
**ВЛАДИМИР ВИНОКУР**
**иштирокида**

## ЭСТРАДА ПРОГРАММАСИ

**Томошалар 19, 20, 21, 25 февраль кунлари соат 17 ва 20.00 да; 22, 23, 24, 26 февраль кунлари соат 14, 17 ва 20.00 да бошланади.**

**Билетлар «ЮБИЛЕЙ» Марказий спорт зали ва «Узбекконцерт» кассаларида сотилмоқда.**

«ЮБИЛЕЙ» Марказий спорт зали кассалари соат 11 дан 20.00 гача, «Узбекконцерт» кассалари эса соат 15 дан 20.00 гача ҳар куни ишлайди.

46-07-53, 46-03-12 телефонлари бўйича справкалар олиш мумкин.

**Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети**

**ТОШКЕНТ ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИНИНГ**

## ЎҚУВ КОМБИНАТИ

**ТРАМВАЙ ВА ТРОЛЛЕЙБУСЛАРНИНГ ҲАЙДОВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН КУРСЛАРГА**

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**Ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади.**
**Ўқиш муддати — 5—6 ой.**
**Ёлғиз кишиларга ётоқхона берилади. Улар шаҳар электр транспортидан бепул фойдаланадилар.**
**Маълумотлар олиш учун қуйидаги адресларга мурожаат қилинсин:**

**ЎҚУВ КОМБИНАТИ** — Тошкент шаҳри, «Новий путь» кўчаси, 180-«а» уй (1, 2, 10-трамвайлар; 25, 40, 61, 161-автобуслар билан борилади);

**1-ТРАМВАЙ ДЕПОСИ** — Тошкент шаҳри, Гайдар кўчаси, 68-уй (1-трамвай ва 61, 161-автобуслар билан борилади);

**2-ТРАМВАЙ ДЕПОСИ** — Тошкент шаҳри, Ҳамза кўчаси, 1-уй (7, 8, 11-трамвайлар ва 1, 8, 18-троллейбуслар билан борилади);

**1-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ** — Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 28-уй (1, 5, 13, 28-трамвайлар; 1, 3, 8, 13, 16-троллейбуслар ва 2, 3, 25-автобуслар билан борилади);

**2-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ** — Тошкент шаҳри, Пионер кўчаси, 4-уй (4, 9-трамвайлар; 2, 6, 11, 13-троллейбуслар билан борилади).

## ТОШКЕНТЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА!

**1985 ЙИЛ 31 МАРТГА ҚАДАР**
«АВТОВАЗТЕХОБСЛУЖИВАНИЕ»
ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО МАРКАЗИ
МАГАЗИНЛАРИДА
ВАЗ-2106 МОДЕЛИДАН ТАШҚАРИ, БАРЧА
МАРКАДАГИ «ЖИГУЛИ» ЕНГИЛ
АВТОМОБИЛЛАРИ ЭРКИН
**РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИНАДИ**

Автомобилларни Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчилари, уларга тенглаштирилган шахслар, ҳарбий хизматчилар, шунингдек саноат, қурилиш, транспорт, алоқа корхоналарининг Тошкент шаҳрида яшовчи ва шахсий машинага эга бўлмаган ходимлари харид қилишлари мумкин.

Автомобилни сотиб олишда тегишли район социал таъминот бўлимлари, район ҳарбий комиссариатлари, ҳарбий қисмлар, корхоналар ва ташкилотларнинг илтимосномасига эга бўлиш лозим.

Улуғ Ватан уруши инвалидлари, қатнашчилари ҳамда уларга тенглаштирилган шахсларга, шунингдек район Советлари ижроия комитети қарори билан 1985 йил 1 квартали аванс фондига мувофиқ автомобиллар ажратилган гражданларга автомобиллар навбатсиз сотилади.

**Тошкент шаҳар ижроия комитети Савдо Бош бошқармаси.**

**«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ** (телефон 45-37-27).



## ТЕЛЕВИДЕНИЕ

**БУГУН**

**МОСКВА-I.** 9.00 — Время. 9.50— Макбет. Балет. 11.40— Саёҳатчилар клуби. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Қишлоқ уфқлари. 16.10— Ерда, самода ва денгизда. 16.40 — Ақл ва довюраклик. 16.50 — Кинопрограмма. 17.10— Концерт. 17.55— 16 ёшгача ва ундан катталар. 18.40— В. И. Ленин— Моссовет депутати 19.15—Дунё воқеалари. 19.30 — Мультфильмлар. 19.50— Инсон тақдири. Бадиий фильм. 21.30—Время. 22.15 — Ижодий кеча. 23.15 — Дунё воқеалари.

**МОСКВА-II.** 9.00 — Гимнастика. 9.15 Пухталикка синов. 12.05 — Онамларнинг мактаби. 15.00— А. Н. Островский ҳаёти. 16.10 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 Гитарачи Б. Ким чалади. 19.05— Учрашув. Телефильм. 19.30— Музикали киоск. 20.00 — Ҳамдўстлик. 20.30 — Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45— Концерт. 21.30— Время. 22.15 — Аравик. Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

**ТОШКЕНТ-I.** 10.00 — Ахборот. 10.20 — Булутлар узра қўшиқлар. Бадиий фильм. 11.30— Ўқув программаси. 12.00 Инсон нимаси билан бой. 12.30 — Ўқув программаси. 13.00 ва 18.00—Янгиликлар. 18.15 — Қўғирчоқ фильм. 18.30 — Ўсмирлар ижоди. 19.00 — Сенинг замондошинг. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Мелиорация — мўл ҳосил гарови. 20.10— Ҳужжатли фильмлар. 20.30 — Ахборот. 20.50 —Лирик концерт. 21.30— Время. 22.05— Бугун оламда нима гап? 22.30 Телевизион театр. 23.30— Янгиликлар.

**ТОШКЕНТ-II.** 9.00 — 16.15 — МОСКВА-II. 18.20 — Ўқитувчи экрани. 18.50— Советлар мамлакатининг кишилари. 20.00— Тошкент янгиликлари. 20.20— Қуёшли ўлка палитраси. 20.30 — Йўл бошидаги уй. Телефильм. 21.00— Ягона сиёсий кун. 21.30— МТ II.

## Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/II да **Парвона**, 14/II да **Зебуннисо.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 13/II да **Гулсара** (билетлар сотилган), 14/II да **Олифта.**

## Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Шарқ юлдузлари» коллективининг гастроллари** (19.30).

Тошкент область матлубот жамиятлари союзи правлениеси, партия ва касаба союз ташкилотлари ҳамда «Ташоблпотребсоюз» коллективи область матлубот жамиятлари союзи правлениеси раисининг собиқ ўринбосари

**Аловуддин Пўлатович ПЎЛАТОВнинг**

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ / "Ташкентская правда" /

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700047, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32





Редактор қабулхонаси—325351; редактор ўринбосарлари—335885; 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат—325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши—325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; пропаганда—325556; совет қурилиши—325645; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; адабиёт ва санъат—325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; хатлар ва оммавий ишлар—334048, 325354; фельетонлар—325556; фотомухбир—325894.



Р. 11074. А. 1640. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12